

**МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ
БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ
НАТИЖАЛАРИ**

Мадина Насритдинова

Фарғона давлат университети Муסיқа таълими ва маданият кафедраси

ўқитувчиси

([orcid:0000-0002-0635-7524](https://orcid.org/0000-0002-0635-7524))

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6527142>

***Аннотация.** Мазкур мақолада муסיқа таълими орқали ривожланиши соғлом болалардан ортда қолган болаларни соғломлаштиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш бўйича яратилган янги модели асосида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг натижалари атровлича муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:** муסיқа терапияси, ривожланишдан ортда қолиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, муסיқа мактаби, муסיқа таълими, соғломлаштириш, тажриб, натижа, метод.*

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЙ ОПЫТ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ОСОБЫХ ДЕТЕЙ В РАЗВИТИИ
ПОСРЕДСТВОМ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

***Аннотация.** В данной статье подробно рассматриваются результаты экспериментальной работы на основе новой модели совершенствования педагогической системы реабилитации детей с отклонениями в развитии посредством музыкального образования.*

***Ключевые слова:** музыкальная терапия, задержка развития, дети, нуждающиеся в социальной защите, музыкальная школа, музыкальное образование, оздоровление, опыт, результат, метод.*

EXPERIMENTAL EXPERIENCE OF IMPROVING THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF SPECIAL CHILDREN IN DEVELOPMENT THROUGH MUSIC EDUCATION

Abstract. *This article discusses in detail the results of experimental work based on a new model for improving the pedagogical system for the rehabilitation of children with developmental disabilities through music education.*

Keywords: *music therapy, developmental delay, children in need of social protection, music school, music education, wellness, experience, outcome, method.*

Кириш. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш[1;] каби устувор вазифалар белгиланди. Натижада ривожланишда ортда қолган болаларни фаол ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш, бу жараёнда муסיқа таълими имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида махсус методикаларини ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бормокда.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда, ҳар бешинчи бола 5-8%, шу жумладан, носоғлом - ирсий патология ва 1-2% - туғма нуқсон билан туғилади. Ҳозирги кунда таълим муассасалардаги таҳсил олаётган имконияти чекланган шахслар умумий сони 10% дан ортигини ташкил этади. Аҳолининг 8% и махсус таълим воситаларига муҳтож бўлиб, аслида эҳтиёжманд болаларнинг тўртдан бир қисми улардан фойдалана олади. Бу шунинг англатадики, бундай болаларнинг ижтимоийлашуви жараёни алоҳида қийинчиликлар билан содир бўлади ва махсус ишни талаб қилади[2].

Тадқиқот материаллари ва услублари. Дунёда муסיқий терапияни илгари сураётган “Америка” ва “Швед” илмий амалий мактаблари ташкил

топишидан анча асрлар илгари тиббиёт илмининг султони Абу Али Ибн Сино миллий муסיқамиз негизи бўлмиш мақомлар орқали ушбу соҳага асос солди. Аллома ўзининг “Тиб қонунлари” энциклопедик китобининг “Инсон миждозига бағишланган бўлимида” қий бир миждоздаги инсонга қайси “мақом”[3:34] хуш келиши ва қай бир “Мақом” иждроси орқали киши руҳини осмону фалакка олиб чиқиш ва аксинча натижаларга эришиш мумкинлигини, муסיқа оҳанги орқали соғни ақлидан айириш ва телбага шифо улашиш малакаларини қўллаганини таъкидлайди.

Ривожланишдан ортда қолган боланинг ҳар тарафлама камол топиши нафақат уни, балки яқинлари ҳаётини осонлаштиради ва зийнатлайди. Бундай болалар орасида ҳақиқатдан лаёқатли ва ҳатто истеъдодлилари ҳам жуда кўп, сабаби улар атрофида бўлиб ўтаётган воқеликларга сергаклик ва очик қалб билан ёндошадилар, янги билимларни тиришқоқлик билан руҳланиб ўзлаштирадилар. Болалар муסיқа ва санъат мактаблари эса ривожланишдан ортда қолган болаларни соғломлаштиришда уларнинг ёши ва соғлигидаги муаммоларига қарамай даркор таълим услуби, яъни мослаштирилган таълим ва индивидуал ёндашувни таъминлаб бера олади. Чунки, бола мавжуд тизимга мослашиши талаб этилмайди, аксинча тизим унинг имкониятларидан келиб чиқиб фақат ва фақат унга бўйсундирилади.

Индивидуал ўқув режасининг имтиёзлари аён: сабаби режада янги таълим ёндашувлари, таълимий шакл ва услуб турлари акс этади. Барча ўқувчиларнинг эътиборда бўлиши, уларга муносабат билдиришда турли хил талаб ва истаклари тўла тўқис амалга оширилиши тўлақонли “Инклюзивлик” ташкилланишига хизмат қилади.

Таълим олувчи шахсга якка ҳолда йўналтирилган педагогик услуб ва усулларнинг вариатив қўлланишини, унда тарбияланувчининг темпераменти, характери, мулоқот услубини ҳисобга олувчи муסיқий-педагогик шароитда педагогик фаолиятни алгоритмлаштириш (алгоритм–педагогик технология таркибий бўлаклари ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология

жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгилаб олинган тартиби) мураккаб вазифадир[4:100].

Муסיқа машғулотларининг якка тартибдаги дарслар жараёнида, айниқса, ижрочилик синфларида педагог ҳар бир дақиқада имконияти чекланган ўқувчининг эмоционал-психологик ҳолати ўзгаришига қараб, унинг ижро бўйича ҳаракатларига синчков бўлиши ва шунга мос ҳолда ўқув талаблар қўйиш бўйича кўрсатма ҳамда педагогик таъсир методларини ўзгартириш имконига эга бўлади.

Юқоридаги фактларни инобатга олган ҳолда изланишларимизнинг маркази сифатида диққатимизни ривожланишдан ортда қолган болаларни муסיқа таълими орқали соғломлаштиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришга қаратдик ва тадқиқотимиз вазифаларини мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилар этиб белгиладик:

- ривожланишдан ортда қолган болалар тушунчаси ва уларга хос бўлган физиологик нуқсонларни баратараф этиш борасидаги мавжуд ҳолатни аниқлаш;

- муסיқа таълимининг ривожланишдан ортда қолган болаларни соғломлаштириш, ижтимоий-педагогик, маънавий-руҳий, соғломлаштирувчи мотивацион функцияларини такомиллаштириш;

- муסיқа мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни муаммога доир махсус педагогик-психологик билим ва кўникмаларини такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- болалар муסיқа ва санъат мактаби шароитида (кейинги таҳрирларда БМСМ деб юритилади) ривожланишдан ортда қолган болалар учун муסיқий таълимдан мақсадли фойдаланишда самарали ижтимоий педагогик тизим ишлаб чиқиш;

- ривожланишдан ортда қолган болаларни муסיқа воситасида ижтимоий фаоллигини оширишнинг коррекцион педагогик асослари ҳамда инновацион- педагогик усулларини такомиллаштириш;

Ривожланишдан ортда қолган болалар учун Республика болалар музика ва санъат мактаблари шароитида коррекцион таълимга нисбатан музикавий-эстетик соғломлаштириш тушунчаси ва тизим мазмуни назарий жиҳатдан асослаб берилгани, музикавий ва коррекцион фаолиятга ёндашувларни сингдириш асосида ривожланишдан ортда қолган шахс маънавий маданиятини ривожлантиришнинг самарали йўллари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида кенг қўлланилиши мумкин бўлган коррекцион таълим тизимини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Олиб бораётган тадқиқотимизда синалган сенсор моторикаси бузилган болаларни ўрганиш ва ўқитишнинг методик усулларида тор доирадаги мутахассислар: маслаҳатчилар, психологлар, нутқ патолого-анатомлари, бундай болалар билан мулоқотда бўладиган ижтимоий ишчилар ўз фаолияти жараёнида фойдаланиши мумкин. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ривожланишдан ортда қолган болаларни музикавий ва эстетик соғломлаштириш тизими ва дастури ишлаб чиқилди, бу тоифадаги болаларнинг ривожланишида ёш хусусиятлари ва психофизик оғишларни ҳисобга олган ҳолда, музикавий ва коррекцион машғулотларнинг тахминий тўпламларини тақдим этади (вокалотерапия, музика терапияси, театр терапияси, рақс терапияси, логоритмотерапия). Шунингдек мазкур диссертациямиз тадқиқотида келтирилган асосий қоидалар ва услубий тавсиялар педагогика олий ўқув юртлари коррекцион бўлимлари ва амалиётчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимлари дастурида амалга оширилиши мумкин.

Натижалар. Республикамизда жами 312 та фаолият олиб бораётган болалар музика ва санъат мактабларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга мухтож болаларнинг психофизик ривожланишидаги оғишлар ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда музикавий таълимнинг коррекцион жараёнини махсус ташкил этиш мезонлари такомиллаштирилган;

- музикаий-эстетик соғломлаштиришнинг ижтимоий-педагогик модели соғлигида бузилишлари бўлган жисмоний ва руҳий ривожлантиришга қаратилган тиббий, психологик-педагогик чора-тадбирларнинг ажралмас тизими сифатида аниқлаштирилган;

- музикаий таълими воситасида соғломлаштиришнинг таклиф этилаётган ижтимоий-педагогик модели ривожланишдан ортда қолган болаларга ижтимоий, психологик, тиббий ва педагогик ёрдам кўрсатиш тизимида етарли даражада самарадорликка эгаллиги интеграцион ёндашув асосида такомиллаштирилган.

- музика терапияси соҳасидаги тажрибани тарихий ва замонавий жиҳатларини умумлаштирган ҳолда моторикаси бузилган болаларни музикаий-эстетик соғломлаштириш асослари моделлаштирилиб, унинг ривожланишдан ортда қолган болалар учун болалар музика ва санъат мактабларида соғломлаштиришнинг назарий ишлаб чиқилган моделини жорий этиш самарадорлиги амалий ўрганилган.

Муҳокама. Педагогик-психологик адабиётларга муурожаат шуни кўрсатадики, музикаий таълимнинг ушбу замонавий методлари маълум бир мезонларга асосланади:

– **технологик**, яъни методни педагогик технологияларга таққослаш, хусусан, ҳозирда тушунтириш-иловалаш технологиясидан ривожлантирувчи, муаммоли, шахсга йўналтирилган технологияларга ўтиш;

– **психологик** – йирик шаклдаги музика асарларини ўрганишда методлар ёшлар психологияси нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлиши лозим. И.С.Кон бунинг иккита муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлайди.[3:101]

БМСМ негизда инклюзив таълим ташкил этилишининг асосий мақсади ўқувчининг касаллик ташхисидан келиб чиқиб ҳар бир вазиятга алоҳида ёндашув асосида янги услубий ишланмалар билан таъминлаш ҳамда ўқитиш жараёнини мувофиқлаштиришдир. Албатта, буларнинг барчаси раҳбар ва ўқитувчидан тўғри ва компетентли ёндашувни талаб қилади.

Ҳамма ўқитувчи ўз муносабати ва ўқув жараёни юзасидан шаклланиб бўлган аниқ қарашларини тубдан ўзгартира олмайди. Шунинг учун ўқитувчиларни малака ошириш тематик курсларига йўналтириш уларни янгича педагогик дунёқараш ва кўникмаларини ривожлантиради.

Ўқув жараёнини бошлашдан аввал боланинг ота-онаси ёки унинг яқинлари билан батафсил суҳбат олиб бориш зарур. Боланинг яқинлари ўқитувчи билан ўқувчининг нимани ёқтириши ва ёмон кўриши, мақтов ёки танқидга муносабати, унинг кучли ва заиф тарафлари, психоэмоционал ва ақлий ривожланиш жараёни, ўзини тутишидаги ўзига хосликлар ва маиший ҳаётдаги позицияси, қизиқишлари, ютуқ ва камчиликлари билан самимий ҳамда ошкора бўлишишлари керак.

Муסיқий машғулотлар махсус тузилган режа асосида олиб борилиши зарур. Ўқувчини толиқтирадиган уддалаш қийинчилик туғдирадиган мақсадлар қўйиш мумкин эмас. Ўқитувчи бола имкониятлари ва ҳолатидан келиб чиқиб битта дарс мобайнида қай ҳажмда янги материални ўзлаштира олишини диққат билан инстинктив равишда хис қила билиши керак.

Болалар муסיқа ва санъат мактаби базасида бундай лойиҳани яратиш ўз-ўзидан инновацион ҳисобланади. Бундай муассасаларнинг тажрибаси етарли даражада тасвирланмаган. Бу касалликнинг даражаси ва оғирлигидан келиб чиқиб, ҳаракат воситасида бузилиши бўлган болаларга психопедагогик ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга таълим беришни ўз ичига олган кўп тармоқли муассаса бўлиб, психологик ва педагогик тузатиш ва ғайритабиий реабилитация билан болани даволаш каби функцияларни ўз ичига олади. Реабилитация курси ушбу муассасада 5 йил давом этади. Санъат воситасида психокорректив ишнинг амалий тажрибаси моторикаси бузилган болалар билан ишлашда ўзининг катта ва терапевтик таъсирини кўрсатади. Бола даволанишга қабул қилинганда психиатр, невропатолог, дефектолог томонидан текширилиб, ундан сўнг муסיқа терапияси синфларига юборилади.

Хулоса. Амалиётда ривожланишдан ортда қолган болалар билан илк бор тўқнаш келган пайтда педагог ўзини одатий тутиши ва болани тушкунликка тушмаслиги учун олдиндан ўз руҳиятини режалаштирилган учташувга созламоғи даркор. Қуйида ривожланишдан ортда қолган болаларни муסיқа таълими орқали соғломлаштиришнинг педагогик модулини тақдим этамиз.

1. Муаммони диагностика қилиш мезони;
2. Танланма фанлар мезони;
3. Руҳий мослашқвчанлик мезони;
4. Кўникма мезонларини хосил қилиш;
5. Истеъдод рағбати;

Муסיқа терапиясида реабилитация курсининг бошида ва охирида болалар муסיқий ривожланиш тадқиқотлари ўтказилади ва муסיқий қобилият даражаси учта асосий параметрга (Б. М. Тепловга кўра) кўра: лад хисси, муסיқий ва эшитув тасаввурлари, ритм хисси аниқланади. Диагностик бўлимлар натижалари асосида ҳар бир бола учун муסיқий ва эстетик реабилитация учун коррекцион соғломлаштириш дастури тузилади.

Муаммони диагностика қилиш мезони 6 баллик шкала асосида амалга оширилади, бу ерда 1-2 балл-муסיқий қобилиятнинг паст даражаси; 3-4-ўртача даражаси; 5-6 — муסיқий ривожланишнинг юқори даражаси.

1 Жадвал. Болаларнинг муסיқий қобилиятлари даражасини аниқлаш учун диагностик бўлимлар жадвали

Боланинг И.Ш. Туғилган йили Тиббий ташхис	Лад хисси		Муסיқий эшитиш қобилияти		Ритм хисси	
	топш ирик	балл	топшир иқ	балл	топшир иқ	балл
Муроджон М.	№1	2	№1	3	№1	2

06.11.2011й ташхиси: соғломлаштиришгач а						
Соғломлаштириш курсидан сўнг	№1	3	№1	4	№1	4
Хайдаралиева Муслимахон 02.06.2010й. ташхиси: Резидул энцефалопатия; ЗПР;Когнитив бузилишлар;	№1	1	№1	2	№1	2
Соғломлаштириш курсидан сўнг	№1	2	№1	3	№1	3

Соғломлаштириш курси якунида сўров натижалари таққосланади, бу эса болаларнинг эгаллаган малакаларини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ишни мослаштириш имконини беради. Муסיқа терапиясининг муайян шакли (вокалотерапия, рақстерапия, театротерапия, лагоратория) психокорректив техника сифатида ишлатилиши боланинг мавжуд бузилиши, муסיқий ва коррекцион вазифалари ва боланинг имкониятлари билан белгиланади. Муסיқа воситасидан фойдаланиш болаларни товушларга адекват жавоб беришга, ритм ҳисси-ҳиссий ижобий муносабат ва фаолият мотивациясини шакллантиришга ўргатади. Театр ва концерт фаолиятидан фойдаланиш болаларнинг муסיқий фаолият кўникма ва малакаларини егаллашга имкон беради, мусобақа элементини боғлайди, ўз-ўзини намоён қилади, сахна

фаолияти-мулоқот қобилиятини тарбиялайди, уларда мулоқот кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ҳолда ифодаладиган бўлсак, фалсафий, тарихий, психологик, педагогик ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш ва тажриба ишларининг натижалари гипотезани тасдиқлади ва қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Жамиятда ривожланишдан ортда қолган болаларни соғломлаштириш, бирлаштириш ва ижтимоийлаштириш мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқиси учун энг долзарб ҳисобланади ва замонавий таълим бундай болаларга нисбатан уларни тарбиялаш учун мақбул шароитлар яратади ва бузилишларни тиклаш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва самарали тузатиш, психологик-педагогик ижтимоий мослашув каби янги ёндашувларни талаб қилади.

2. Ўзбекистонда XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб таълим тизимида махсус таълим муассасаларининг табақалаштирилган тармоғи ишлаб чиқилди. Бироқ ота-онасининг назоратида бўлган, оғир потологияли тиббий ёки ижтимоий муассасаларда мошслаштирилган таълим оладиган ривожланишдан ортда қолган болаларнинг келажак ҳаётга мослаштирилмаганликлари салбий камчиликларга олиб келди ҳамда жамиятга қўшилишлари учун уларда кўплаб тўсиқлар вужудга келди.

3. Мусикий-эстетик соғломлаштиришнинг ижтимоий-педагогик модели боланинг муқобил имкониятлари билан уйғун ривожланишига, ўз-ўзини англашга, имкониятларини такомиллаштиришга ҳисса қўшишга қаратилган ижтимоий-психологик, тиббий-педагогик чора-тадбирларнинг ажралмас тизими яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

2. Ромоданов А. П., Мосийчук Н. М. Нейрохирургия. Киев: Вышшая школа, 1990.
3. Ибн Сино даврида “Мақом” тушунчасига лад деб тушунилган. И.Ражабов “Мақомлар масаласига доир” Тошкент., 1968й. 34 б.
4. Педагогик атамалар луғати. –Тошкент: “Фан”, 2008. –Б. 100.
5. Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durдона Raimjon Qizi Murodova (2022). AN’ANAVIY IJROCHILIK SAN’ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3 (2), 846-850.
6. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN’ATINING HOZIRGI KUNDAGI O’RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.
7. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
8. Madina Nasritdinova, Mansurova Nigora, & Durдона Murodova. (2022). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. *Archive of Conferences*, 44-48. Retrieved from <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/1888>
9. Madina Nasritdinova 2021/9-II Actual problems of modern science, education and training THEORETICAL FUNDAMENTALS OF HEALTH THROUGH DEVELOPING CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. 29-33 page
10. Kambarav, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 158-165.

11. Toshaliyev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 91-95.
12. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, (2-3), 50.
13. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Ученый XXI века*, 48.
14. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.
15. Akhadjonovich, K. A. THE CLASSIFICATION, CONTENT, ESSENCE AND FUNCTION OF VALUES.
16. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).